



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 31 март, жума №46 (878)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида «Ҳозирги замон Ўзбекистон қонунчилиги: назария ва амалиёт муаммолари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда сўзга чиққанлар Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида илгари сурган ғоялари асосида қонун ижодкорлиги, юридик фан ва амалиёт бирлиги, миллий ҳуқуқий тажрибани ўрганиш муаммолари, фуқаролик, меҳнат, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш каби масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, семинарда Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуининг ҳуқуқшунослик фанлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилиш тўғрисидаги таклифи муҳокама қилинди. (ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссиясининг қўшма мажлиси бўлди. Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов бошқарган бу мажлисда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятида бажарилиши муҳокама этилди. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова қонунларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги улкан аҳамияти, парламентнинг қонунчилик ва назорат фаолиятини кучайтириш, жойларда қонунларнинг ижросини таъминлаш зарурати ҳусусида тўхтади. Таъкидланганидек, Хоразм вилояти ҳокимлиги ижроия органлари томонидан номи зикр этилган Қонуннинг бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва бу борада белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилинишини йўлга қўйишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда

депутатлар томонидан фуқароларнинг қабул қилиниши учун барча шароит яратилган. Фуқароларнинг мурожаатларини тезкор кўриб чиқиш учун масъул навбатчи ходим белгиланган ва ишонч телефони хизмати йўлга қўйилган. Бу борада ишларни янада такомиллаштириш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, ўзини ўзи бошқариш органларида махсус семинар-кенгашлар ўтказилмоқда. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳам фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича муайян тажрибага эга. Айниқса, вилоят адлия бошқармаси ходимларининг аҳоли билан мунтазам учрашувлари, ўз вақтида олиб бораётган тушунтириш ишлари натижасида фуқаролар мурожаатлари бирмунча камайди. Шу билан бирга мажлисда вилоят ҳокимлиги ишида фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қатор камчиликлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилди. (ЎЗА).

Навоний туманида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжалиқлари муаммоларини ҳал этишга бағишланган вилоят семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

МУСТАҲКАМ ХИМОЯ

Тадбирда таъкидланганидек, Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис сессияси, Вазирлар Маҳкамаси мажлиси ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши сессиясидаги нутқларида кичик ва ўрта бизнес, деҳқон-фермерларга кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мансабдор шахслар тадбиркорлик субъектлари, хусусий мулк эгалари фаолиятига ноқонуний аралашаётганлиги қайд этилган. Афсуски, бундай ҳоллар Навоний вилоятида ҳам учрамоқда. Семинарда сўзга чиққанлар тадбиркорларни давлат рўйхатига олиш, улар фаолиятини лицензиялаш, аудиторлик текширувларини меъёрий такомиллаштириш, корхоналарни асоссиз тўхтайтиб қўйиш каби муаммолар ҳусусида тўхталиб ўтдилар. Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

Хатлар... Улар фуқаролар ҳақли талабларига эътиборсизлик юз берган жойдагина ёзилди. Бўлмаса, икки неварига бобо-момо бўлиб, шу ёғача почта қутисига шикоят хат ташлаш ҳаёлларига ҳам келмаган Андриановларга нима зарил эди аризабозлик қилиб!

НОГИРОН МУШКУЛИ ОСОН БЎЛАДИМИ?

Ушбу хат мазмуни меҳри тошдай қотиб кетган кишининг ҳам дийдасини эритиб юбориши аниқ. Хат муаллифи эса айрим раҳбарларнинг берган ваъдаларига ишончли йўқотгандан, лекин шундай бўлса-да, барибир бу ёруғ жаҳонда яши одамлар берилган ва улар албатта, қийналган оилага ёрдам беришларидан умидвор бўлган ҳолда қўлга қалам олгани тушунарлидир. Ҳўш, аслида ҳам аризачилар ёзганларидек ахвол содир бўлганми? Унга қимилар сабабчи ва нима учун шу пайтгача муаммо ечимига йўл топилмаган?

Дарвоқе, А.Андриановнинг шикоят хати пойтахт шаҳри ҳокимлигидан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашига келиши биланқоғуннинг раиси М.Содиқов имзоси билан бевосита тегишли ташкилот-идораларга кўтарилган масалани ҳал қилиш талаби билан хатлар жўнатилди. Бу шу йилнинг 26 январига тўғри келганди. Улардан бири Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши Давлат қозғалими раиси номига йўланган бўлиб, унда жумладан: «А.Андриановга тўлов пулларини ундириб бериш масаласи 1998 йил 10 декабрда СМУ-92 нинг бошлиги вазифасини бажарувчи М.Атхамова иштирокида Чилонзор туман сувида кўриб чиқилган ва 1996 йил ноябрдан бошлаб СМУ-92 томонидан ҳар ойда 5600 сўм зарар миқдори тўлалишига ҳукм қилинган. Лекин бу ҳукм ижросиз қолиб келмоқда...», — дейилди. Бирок, шу ўринда бироз чекинчи қилиш керакка ўхшайди. Масалан, айтилиши, Тошкент шаҳар хўжалик суди ўзининг 1998 йил 29 майдати қарори билан 92-қурилиш-монтаж участкасини банкрот деб эълон қилган. Келгуси йил 16 декабрдан эса у умуман реестрдан ўчирилган. Энг ачинарлиси шундаки, тугатиш комиссияси таркибиде фаолият кўрсатган «Сувқурилиш» қурилиш-монтаж бирлашмаси бошлиги Р.Қамбаров ҳам, уча-

ста бошлиги вазифасини бажарувчи ишончли вакил М. Атхамова ҳам А.Андриановдан қарздорлик ёхуд бу ҳақда Чилонзор туман судининг қарори тўғрисидаги масалани кўтаришни лозим топишмаган. Нега шундай қилишган? Бу саволга адолатли жавоб бериш уларнинг виждон-ихтиёрига ҳавола... Энди хатдан кўчирманинг давоми, яъни унинг ҳулоса қисми билан таништиралик: «Юқоридагиларни инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган ҳақли эмаслигини яхши тушунарди. Шу мақсадда Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурдаги Пенсия жамғармаси ижрочи директори А.Нуритдиновага ёзма равишда мурожаат этиб, масалага узил-кесил нуқта қўймоқчи бўлди. «Корхонани тугатиш комиссияси таркибиде Пенсия жамғармаси вакили О.Григорьев иштирок этгани, Қондалар 28-банди II абзацни бажарилмаганига қарамай далолатномага имзо чеккани боис фуқаро А.Андриановга етказилган зарарни тўлаш масаласини ҳал қилишнинг сўраймиз», — дейилди жумладан унда. Ва, ниҳоят, Пенсия жамғармасининг масъул ходимлари кўтарилган масалани тўғри тушуниб, юқоридаги Қондалар тағбиб чегарасида Андриановга қорхона тугатилган кундан, ёки 1999 йил 16 декабрдан бошлаб етказилган зарарни тўлашнинг ҳал қилиниши ўз зиммасига олди. Адолат қисман бўлса ҳам юзага чиқди, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг сайъ-ҳаракатлари тўғрисида қонунлар ижросига ўз ишончини йўқотаётган фуқаролар шурарида умид ўчқунлари пайдо бўлди. Бу муаммо ечимида фақат бир масала — 1996 йил ноябрдан 1999 йил 16 декабрдан буён бўлган тўловлар тўлашнинг масаласи муаллақ қолгани афсусланарли бўлди, холос. Ҳўш, энди ана шу ҳақни Андриановга ундириб беришда ким ёрдам қўлини чўзиши мумкин? Ислохотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири — аҳолининг ҳам таъминланган табақаси, яъни қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта химоялаш ўрнига турли важ-қарсонларни рўқча қилиш билан масъулиятни ўз гарданидан соқит қилишга уринаётган мугассади ташкилот раҳбарлари ораминда йўқ эмас. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқиде таъкидлаганидек: «Бундай интилар, кайфият ва ҳаракатлар, сўзсиз, аввало, халқимизнинг раҳбарларга бўлган ишончини, хурматини, энг ёмони, одамларнинг ҳақиқатга, адолатга бўлган ишончини йўқотишга олиб келиши таъбиғийдир».

Хулоса қилиб айтганда, «Сувқурилиш» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмаси, Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши Давлат қозғалими раҳбарлари ушбу масалага янада оидлик қилитишларига ишонч билдириб қоламиз. Абдунаби МАННОПОВ, «Ишонч» муҳбири.



Мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармон кишиларнинг фаолият кўрсатишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Андижон шаҳри ҳокимлиги ҳам ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. «Нилуфар» савдо ишлаб чиқариш фирмаси Осиё тараққиёт ривожланиш банкидан кредит олиб, чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда музқаймоқ ишлаб чиқарадиган

корхона ташкил этди. Ушбу корхона соатига 600 килограмм уч турдаги музқаймоқ ишлаб чиқаради. Ўтган йили корхона ўз маҳсулотларини қўшни вилоят ҳатто қўшни Қирғизистон Республикасига ҳам етказиб берди. Бу йил корхона тўққиз турдаги музқаймоқ ишлаб чиқаришини мўлжаллаб турибди. Жамоа олинган кредитни амалдаги беш ярим йилда эмас, икки

ярим йилда узини режалаштириб қўйган. Шунингдек фирма қошида қандолатчилик цехи ҳам ишлаб турибди.

Суратларда: Фирма бошлиги Қашрамонжон Раззоқов, ишичи Хуршида Усмонова.

Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Наманган вилоятидаги иккита қишлоқ болалари баҳорги таътил тугаганидан сўнг ўқишни янги мактаб биносида бошлайдиган бўлди. Ушбу Наврўз кунларида Норин ва Поп туманларининг Чужа ва Санг қишлоқларида янги мактаблар ишга туширилди. Янги мактаблардан

ўқув корпусларидан ташқари, спорт зали, ошхона мавжуд. Янги билим даргоҳлари қишлоқлар қувонч қўшди. Шу билан бирга, вилоятдаги учта чекка қишлоқда шифокорлик пунктлари бир вақтда ишга туширилди. Улар клиник-диагностик ускуналар билан жиҳозланиши ва беморларни даволаш учун яратилган шароитларга кўра шаҳардаги тиббий муассасалардан қолишмайди.

ПОПДАГИ ҚУРИЛИШЛАР

Газета таҳририятига Дўстлик туманидаги «Навбахор» ижара-ширкат бирлашмасининг ишчиси Хусниддин Қаршиевдан шикоят хати келди. Унда мазкур хўжаликда маошлар ойлаб хатто йиллаб берилмаслиги алоҳида таъкидланган. Хўжаликда бўлиб, ҳақиқий ахвол билан атрофлича танишдик.

Маълум бўлишича, аризачи мазкур хўжаликда 1999 йилнинг февралдан ноябрга қадар ишчи бўлиб ишлаган. У меҳнат қилаётган «Мустақиллик» бўлимининг асосий ер майдони туман ҳокимининг 1999 йил 10 ноябрдаги қарорига асосан «Ойбек» бўрдоқчилик жамоа хўжалиги иштироғига ўтказилди. Х.Қаршиев меҳнат қилган завоно жамоаси 10 гектар ерда пахта, 17 гектар майдонда галла етиштириб, пахтадан 469.720

сўм, галладан 467,6 минг сўм соф даромад қилган. Бошқача қилиб айтганда, пахтачиликдан 34,1 минг сўм соф фойда олинган бўлса, галлачиликдан 42,9 минг сўм зарар кўрилди. Аризачининг 9 ойлик иш ҳақи 20.099 сўмни ташкил этди. Шундан 5200 сўми нақд пулда, 4580 сўмлик иш ҳақи натура тўловида берилди. Чегирмалардан қолган 7226 сўм узоқ вақт тўланмасдан келди. «Мустақиллик» бўлими бўйича иш ҳақидан қарз-

дорлик шу йил 1 феврал ҳолатига 501 минг 253 сўмни ташкил этди. Маълумотлардан кўриниб турибдики, иш ҳақидан қарздорлик хўжаликда юқори даражада қолмоқда. Унинг хўжалик бўйича жами миқдори 4 миллион 847 минг сўмга етди. Ҳўш, нега шундай бўлапти? Хўжаликда маҳсулотлар таннархи йил сайин кўтарилиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили ҳар килограмм пахтанинг таннархи 21,67 сўм ўрнига 26

сўмни, галланики 11,67 сўм ўрнига 16 сўмни ташкил этди. Бюджетдан қарздорлик 8 миллион сўмдан ортиб кетди. Кредиторлик қарз 12 миллион 876 минг сўм, дебиторлик қарз 7 миллион 200 минг сўмга етди. Умуман, хўжаликда бугун танг ахвол юзага келган. Бунга асосий сабаб — маъмурият раҳбарининг ишни тўғри ташкил этолмаётгани, эскича фикрлашдан ҳали-ҳамон кутула олмаётгани, муҳими — бизнес-режа тузилишида жиддий хатоликларга йўл қўйлаётганидир.

Хўш хўжаликда жиддий нуқсонларга йўл қўйлаётган экан, касаба уюшмаси фаоллари нега қузатувчиликдан нарига ўтишмаяпти? Ана шундай саволни хўжалик касаба уюшмаси 1993 йилдан буён жамоатчилик асосида бошқараётган, ҳозирда бош иқтисодчи вазифасида ишлаётган Абдуқодир Абдураимовга бердик. — 280 нафар касаба уюшма аъзоларимиз бор, — дейди у — лекин ҳамма

нараса маблағга бориб талқалапти. Шунинг учун бирор иш қила олмаямиз. — Йиллик иш режангиз борми? — Йўқ. — Жорий йил учун тузилган жамоа шартномаси билан танишасан. — Ҳали тузишга улгурмадик. — Ўтган йилги жамоа шартномасининг қандай бажарилганлиги ҳақидаги ҳисоботлар билан танишасан. — Кўриб чиқилган-у, баённома қилолмаганмиз. Касабақўм раисининг тўлмапти. Аризачи Хусниддин Қаршиев қабиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга биринчи галда хўжалик касаба уюшма қўмитаси масъул эмасми? Бизга хабар қилишларича, Х.Қаршиев таҳририят аралашуvidан сўнг ўтган йилги иш ҳақини натура ҳолда олишга эришибди. Лекин йиллик меҳнати якуни бўйича у билан ҳалгача ҳисоб-китоб қилишмабди. Нима бўлганда ҳам, Дўстлик туманидаги «Навбахор»дан шикоят бекорга ёзилмаганлигини юқоридагилар ёрқин исботлаб турибди. Абдунамон АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири.

Касабақўм муросасозлик қилган жойда ИШ ҲАҚИНИ КИМ ТўЛАЙДИ, РАИС?

«Кувасой чинниси» акциядорлик жамияти бугунги кунда нафақат Фарғона вилоятида, балки мамлакатда ҳам иқтисодий бақувват, эртанги кунга катта ишонч ва умид билан бораётган, маҳсулот ҳажми ва сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш орқали рақобатбардош ҳамда харидорғир маҳсулотлар тайёрлашнинг улдасидан чиқайтган корхоналар сирасидан.

Гапнинг рост, имкониятлари бой берилган корхонанинг қаддини тиклаш, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кескин кўпайтириш, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини юксалтириш ишлари осон бўлмади. Жамоага тадбиркор раҳбар тайинланиши туфайли қисқа давр

дамли гишлар, электр сақлагичлар сингари импорт ўрини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Айни пайтда четдан келтириладиган лустра, крамик бўёқлари ҳам ўзимизда тайёрланяпти. Ички имкониятларимиз кутилган иқтисодий самарани бера бошлади. Корхона авто-

Бошқача айтганда, 277 миллион 663 минг ўрнига, 319 миллион 288 минг сўмлик ялли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу рақам аввалги йилларга нисбатан 112,2 фоиз ўсишга эришилганини кўрсатади.

Мана шундай иқтисодий юксалиш эвазига жамоа ўтган йилни 34,3 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Жамоа ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, буюртмачилар билан алоқани янада мустаҳкамлаш, энг муҳими, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини

ИЗЛАНИШ, ТАШАБУСКОРЛИК

туфайли «Кувасой чинниси» корхонасида хориждан келтириладиган маҳсулотлар энди шу ерда тайёрланапти

ичида бу ерда аҳвол бутунлай ижобий томонга ўзгарди. Одамлар шу ерда ҳам ишлаб чиқаришга муносабат ўзгарди. Энди «Кувасой чинниси» деганда энг нуфузли, юксак тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган корхонани аглаб олса бўлади.

Мутахассислар билан бамааслахат иш кўриб, корхонамиздаги аҳволни ўнглаш, одамларни иш билан таъминлаш имкониятларини қидириб топдик, — дейди жамоа бошлиғи Ҳамрохон Набиев.

Биринчи галда, ўзимизни ҳам, жамоамиз аъзоларини ҳам, агар тадбиркорлик билан иш юритилса, корхонанинг келажаги порлоқ эканлигига ишонишга олдик. Изланиш, ишлашга давват этдик. Бунинг самараси тезда кўрина бошлади. Аввало қиммат баҳода келтириладиган хомашўр ўрнига ўзимизда тайёрланаётган ҳам арзон, ҳам сифатли хомашўрдан фойдаланишни йўлга қўйдик. Иккинчидан, бу маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш имконини берди. Илгарилари бу корхона учун Украина ва Россиядан олти хил маҳсулот келтирилган эди. Кўплаб ихтиро ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли бугун ўзимизда ўтга чи-

транспортларини таъмирладик, янгилади билан тўлдирдик. Ташқаридан иссиқ сув ва пар олишдан ҳам воз кечдик. Ўзимизда иккита қозонхона қурдик. Уларнинг ишга туширилиши ҳар ойда мақсадлар учун сарфланадиган 4,5 миллион сўм маблағни тежаб қолиш имконини яратди. Ана шундай йўллар билан корхона фаолияти бир маромга тушди. Ҳозирги кунда корхонада 2 минг нафарга яқин ишчи-хизматчилар харидорғир маҳсулотлар тайёрлаш билан машғул.

Айни кунларда тайёрланаётган маҳсулотлар оғирларда туриб қолмайди. Жорий йил учун корхона 500 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотлар шартнома тузган. Бу мўлжалдагидан 12 фоиз кўпдир. Ўтган йили корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан 91 фоизга фойдаланилган эди. Бу албатта ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўпчилигини дарак бериб турибди.

Ўтган йили халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режага нисбатан 123,7 фоизни ташкил этди, яъни 256 миллион 422 минг сўмлик ўрнига, 317 миллион 279 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, 1998 йилга нисбатан 122,3 фоиз ўсишга эришилди. Ялли маҳсулот ишлаб чиқариш режага нисбатан 115 фоиз бўлди.

тагин ҳам юксалтириш, жаҳон андозаларига мос, харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш эвазига иқтисодиётни кўтариш, жорий йилни 100 миллион сўм соф фойда билан якунлашга ҳаракат қилаяпти.

Президентимизнинг 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилишлари халқимизнинг айни дилидаги иш бўлди. Корхона жамоаси иқтисодий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ногирон болалар ва қариқларни, ёрдамга муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Кувасой шаҳридаги 90-сонли қар болалар махсус мактаб-интернатига, Фарғона шаҳар ногирон болалар «Мурувват уйи»га, Фарғона вилоят қариялар «Саховат» уйига, Қўқон шаҳридаги «Мурувват уйи»га ҳомийлик қилишга, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туришга қарор қилишган. Шунингдек, Соғлом авлодни тарбиялашга муҳим омил бўлган мактабларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида Кувасой шаҳар халқ таълими бўлими қарашли мактаблар учун йил давомида 2 миллион сўм моддий кўмак берилмоқда.

Ахмадхон Тўхтасинов, «Ишонч» мухбири.

Вилоятдан хабарлар

МАШИНАСОЗЛАРНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

Чирчиқдаги «Ўзбекмемаш» корхонасида республика нефт-газ санвати учун янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда уларнинг асосий қисми Шўртангазиммэ мажмуи қурилиши учун етказиб берилаяпти. Яқинда бу ерда сув насосларининг янги турини ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Шу пайтгача улар Россиянинг «Уралмаш» заводидан келтириладиган эди. Минутига қирқ кубометр сувни тортиб бериш қувватига эга бўлган бу ускунанинг дастлабки Қарши магистрал каналига ўрнатилди.

КАСБЛАР ЯРМАРКАСИ

Тошкент вилоятидаги Бўстонлик туманида истиқомат қилаётган 50 нафар фуқаро шу ҳудуддаги корхона ва ҳўжалиқларда доимий ишлайдиган бўлди. Беш нафар қиз эса хўнарамандларга шоғирд тушди. Туман ҳўқимлиги меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳлини ижтимоий ҳўмоа қилиш бўшқармаси ташкил этган меҳнат бозори - касблар ярмаркаси ана шундай натижа берди. Унда тумандаги 45 та корхона ва ташкилот қатнашди.

МАКТАБЛАРГА ҲОМИЙЛАР МАДАДИ

Пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлимига қарашли Йўлдош Охунбоев номидаги 45-ўрта мактабда ўтказилган Наврўзи олам шодидедаларида ўқувчилар ва мактаб жамоаси дошқозондаги сумалакни она-Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигининг боқийлиги ҳамда халқимизнинг барча яхши ниятлари ижобат бўлишининг рамзи деб билдилар. Чўнки элимизда сумалак теласида айтилган орзу-ўмидлар ушалади, деган нақл бор.

Байрамона дастурхон атрофида ҳам бўлган устозлар баҳор неъматларидан сумалак, кўк сомса, кўк чўчвара, ош билан сийландилар. Тантаналарнинг пухта ва дид билан ўтказилишида мактаб жамоаси ушўққлиги муҳим аҳамият касб этди. Чўнки ходимлар раҳбардан андоза оладилар. Муаллим у етакчиларнинг бошини қовуштиришда ўн саккиз йилдан бери педагогика соҳасида фаолият кўрсатиб келадиган Шўхидохон Маъдиеванинг ҳам ўзига хос ҳиссасини таъкидлаб ўтиш лозим. Бўни мактабда олиб бо-

ўқитувчиларнинг доимий равишда ўз устларида ишлаб, изланиб, малакаларини оширишларига катта эътибор берилмоқда. Хўсусан, назарий билимларнинг амалий тажрибалар билан мустаҳкамлаб борилиши яхши йўлга қўйилган.

Сўзимизнинг исботи сифатида бу ерда ташкил этилган иккита компьютер хўнасини келтиришимиз мўмкин. Бу ҳар бир синф ўқувчиларининг икки гуруҳга бўлинган ҳолда амалиёт билан шўғулланишлари учун имконият берди. Чўнки синфдаги ўқувчилар сони қанча оз бўлса, устозларнинг ҳар бир бола билан чўқурроқ шўғулланишига қўлайлик яратилади.

Шу ўринда жорий йилда Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бўшқармасида ўтказилган «Ихтисослашган фанлар йўналишидаги мактабларнинг иш тажрибалари» шаҳар семинарини ҳам келтириб ўтмоқ жоиз. Ушбу анжуманда 45-

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III қурултойи олдидан

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ ВА УНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқаро ҳамжамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун бекиёс имкониятлар кашф этилди. Истиклолнинг дастлабки йилларида давлатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тан олинди. Айни пайтда БМТ билан боғлиқ иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга масъул ихтисослашган муассасалар ҳам республикамизни ўз сафларига қабул қилдилар. Улар орасида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) алоҳида ўрин тутди.

Ўз пайтида касаба уюшмаларининг бевосита ташаббуси билан ташкил топган бу нуфузли ташкилот томонидан 80 йил давомида қабул қилинган халқаро меҳнат меъёрларига тааллуқли 182 та конвенция, 190 та тавсияларнинг аксарияти бугунги кунда дўнўнинг 170 дан ошдиқ мамлакатда меҳнат муносабатларида ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

ХМТ тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг яратилишида Америка Қўшма Штатлари касаба уюшмалари, биринчи галда Америка Меҳнат Федерацияси (АМФ)нинг хизматлари катта эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Маълумки, 1910-йиллардан бошлаб АМФ раиси Самўэль Гомперс бошчилигида Америка касаба уюшмалари бир неча йил давомида халқаро миқёсда меҳнаткашларни ҳимоя қилиш чоралари қабул қилиниши учун кураш олиб бордилар. Тахминан шу даврда, яъни 1918 йилнинг январ ойида АҚШ Президенти Вудро Вильсон «Миллатлар ҳамжамиятини яратиш ташаббусини илгари сурди.

Бир-бирига уйғунлашган бу икки гоё бошқа давлатларда ҳам ўз тарафдорларини топди ва 1919 йилда Версаль конференциясида муҳокама қилинди. 1919 йил 25 январда ушбу конференция қарори билан халқаро меҳнат қончилигини ўрғаниш бўйича 15 кишидан иборат комиссия тузилди. С.Гомперс комиссиянинг раиси этиб сайланди.

Комиссия Буюк Британия тақдим этган лойиҳа асосида янги муассаса (бўлажак ХМТ)нинг ваколатлари, унда ҳукуматлар, иш берувчилар ва меҳнаткашлар вакилларининг икки томонли ратификация қилиш ва бажарилишини назоратга олиш механизмига оид масалаларни муҳокама қилди. АҚШ вакилларининг таклифига биноан конвенциялар билан бир қаторда ноқатъий мақомга эга тавсиялар қабул қилиш мўмкинлиги ҳам Уставга киритилди.

Шу йилнинг ўзидаёқ Миллатлар Лигасини таъсис этиш тўғрисидаги шартнома ва Халқаро меҳнат ташкилотини тузиш тўғрисида Версаль битими қабул қилинди. Бир-бири билан узвий боғлиқ бу ташкилотларнинг ҳар бири халқаро муносабатларни тартибга солиш борасидаги ўз нуфузини йилдан-йилга орттириб боришди.

Қизиғи шундаки, Америка Ҳукумати ва касаба уюшмаларининг бевосита саъй-ҳаракатлари эвазига таъсис этилган бу ташкилотларга АҚШ давлатининг ўзи аъзо бўла олмади. 1919 йил 20 ноябрдаги ўз мажлисида АҚШ Сенати Миллатлар Лигасини таъсис этиш тўғриси-

даги шартнома ва Версаль бирининг бевосита ташаббуси бош тортиди. Фақат Миллатлар Лигаси ўрнига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таъсис этилганда кейинги АҚШ ҳам БМТга, ҳам ХМТга аъзо бўлиб кирди.

ТАШКИЛОТ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

ХМТнинг мақсад ва вазифалари унинг Уставида ва Уставга киритилган Филадельфия

«Жаҳоннинг энг тараққий топган мамлакатлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш, етакчи халқаро иқтисодий, молиявий ҳамда инсонларварлик ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятга интеграциялашув жараёнининг ажралмас қисмидир».

Ислон КАРИМОВ.

Декларациясида ёритилган.

Мустаҳкам тинчлик фақатгина ижтимоий адолат негизида ўрнатилиши мўмкинлиги, қўллаб инсонлар учун адолатлилик, муҳтожлик ва қашшоқликни олиб келувчи меҳнат шартлари мавжуд экан, улар бутун дўнўда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солиши, ушбу шартларни тезда яхшилаш лозимлиги мазкур ташкилот таъсис этилишининг асосий сабаблари деб эътироф этилди.

Ташкилот қуйидаги асос солувчи тамойиллар негизида фаолият юритади:

- меҳнат товар эмас;
- сўз эркинлиги ва ташкилотларга бирлашиш эркинлиги доимий тараққиётнинг зарур шартидир;
- бирон-бир жойдаги қашшоқлик умумий фаровонликка таҳдид солади;
- умумий фаровонликка кўмаклашиш мақсадида ҳар бир давлатда ва халқаро миқёсда муҳтожлик билан узлуксиз кураш олиб борилиши керак.
- Уставда белгиланишича, меҳнат шартларини яхшилаш учун қуйидаги масалалар бўйича халқаро миқёсда чоралар қабул қилиниши лозим:
- иш кўни ва иш ҳафтаси мўддатини чеклаш орқали иш вақтини меъёрлаштириш;
- ишчи кўчини ёллашни тартибга солиш;
- ишсизликка қарши чоралар кўриш;
- қониқарли турмуш шартларини таъминловчи иш ҳақи кафолатлари;
- меҳнаткашларни касалликлар, касб касалликлари ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилиш;
- болалар, ўсмирлар ва аёлларни ҳимоя қилиш;

— қариллик ва ногиронлик бўйича кафолатли нафақалар;

— чет элда ишлаётган меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш;

— бир хил қийматдаги меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш;

— ташкилотга бирлашиш эркинлиги тамойилини тан олиниши;

— касб-ҳўнар таълимини ташкил этиш ва бошқалар.

Аъзо-давлатлар вакилларининг ҳар йили камида бир марта қақирилган Бош конференцияси, Маъмурий кенгаш ва унга бўйсунувчи Халқаро меҳнат бюроси (ХМБ) ташкилотнинг асосий органлари ҳисобланади.

Бош конференцияда конвенция ва тавсияларни қабул қилиш ва бажариш масалалари муҳокама қилинади. Унда ҳар бир аъзо-давлатдан тўрттадан (ҳукуматдан - иккита, иш берувчилар ва меҳнаткашлар ташкилотларидан - биттадан) вакиллар иштирок этадилар. Уч йил мўддатга сайланади-

ган Маъмурий кенгашда 56 аъзо бўлиб, уларнинг 28 таси ҳукуматлар, 14 таси иш берувчилар, 14 таси меҳнаткашлар вакилларидан иборат. Ҳукуматлар вакилларининг 10 таси «санноат нўқта-назаридан энг муҳим мамлакатлар» ҳукуматлари томонидан тайинланади, қолган аъзолар Бош конференцияда сайланади.

Халқаро меҳнат бюросини Маъмурий кенгаш томонидан тайинланадиган Бош директор бошқаради.

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНИШИ ВА БАЖАРИЛИШИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг бевосита иштирокида Олий Мажлис томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг 11 та конвенцияси ратификация қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ратификация қилинган: иш вақтини ҳафтасига 40 соатгача қисқартириш (№47), йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар (№52), оналикни муҳофаза қилиш (№103), мажбурий меҳнатни бекор қилиш (№105), меҳнат ва иш билан таъминлаш соҳасидаги камситишлар (№111), бир хил қийматдаги меҳнат учун эркак ва аёлларни тенг тақдирлаш (№100), куч ишлатиш ёки мажбурият йўли билан меҳнат қилдириш (№29), корхоналардаги меҳнаткашлар вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар (№135)га оид конвенция-

лар бўйича республикамиздаги ҳуқуқий негиз ва миллий аъналар аллақачон шаклланиб бўлинган эди ва бу меҳнат меъёрларига риоя қилиш амалиётдан мустаҳкам ўрин олган.

Лекин Республикамизда амалга ошириладиган бозор ислохотлари жадал тус олаётган пайтда, авваллари иқтисодиётимизга хос бўлмаган янги жараёнларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Булар орасида — ишсизлик муаммоси, иш ҳақини тўлашдаги узиллишлар, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банкротликка юз тутиши ва тугатилиши оқибатида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ва ҳўказо.

Бу шароитда республикамизда яратилган ҳуқуқий негизни ва айниқса, жамоавий музокараларга оид халқаро меҳнат меъёрларини амалда қўллаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, парламентимиз томонидан ратификация қилинган жамоавий музокараларни ташкил этиш ва олиб бориш ҳуқуқи тамойилларини қўллаш (№98), жамоавий музокараларга кўмаклашиш (№154), иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат (№122) тўғрисидаги конвенциялар жамоа-шартномавий муносабатларни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини изчил таътиб этишда қўл келмоқда.

Ўзбекистон ратификация қилган ХМТ конвенцияларининг сони бошқа давлатларга нисбатан оздек кўриниши мўмкин.

Лекин, Халқаро меҳнат бюросининг аксарият экспертлари иқтисодиётда ўтиш даврини бошидан кеңираётган мамлакатларда ХМТ конвенцияларини ратификация қилиш, кўп ҳолларда, ҳуқуқий эмас, балки иқтисодий муаммо эканлигини эътироф этишмоқда. У ёки бу Конвенцияни ратификация қилиш мавҳум бир мақсад эмас, балки амалда эришилган ҳуқуқий негиз ва иқтисодий шарт-шароитларни халқаро меъёрларга мувофиқлаштиришдир. Шу боис, баъзи давлатларда ратификация қилинган конвенцияларнинг сони (масалан, Украинада - 51 та, Россияда - 50 та, Тожикистонда - 46 та, Беларусда - 42 та) мазкур давлатлардаги демократия даражасини кўрсата олмади, чўнки иқтисодий таназзул туфайли уларда бир қатор конвенциялар тамойиллари бузилмоқда.

Бу борада халқаро экспертларда Ўзбекистон тажрибаси тушуниш уйғотмоқда, чўнки Республикамизда ҳар бир Конвенцияни ратификация қилишдан олдин унга оид ҳуқуқий негизни шакллантириш ва тегишли иқтисодий шарт-шароитларни яратишга катта масъулият билан ёндашилади.

Маҳмуджон ИСАЕВ,
Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири.
Шўҳрат ТўЛАГАНОВ,
Ўзбекистон КУФК халқаро ишлар бўлими бош мутахассиси.

(Давоми бор).



Зулфия Арслонова мана 17 йилдирки «Ўзғойсаноти» уюшмасида лаборант сифатида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Айни чоғда у республикада ёғ-мой корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни лабо-

Суратда: Зулфия Арслонова

Ҳ.АВВАЛОВ олган сурат.

ТЕННИС СЕҲРИ

Осиё теннис Федерацияси Ижроия кўмитаси аъзолари янги кунларда юртимизда меҳмон бўлиб туришди.

Ушбу боорбўр анжуман мамлакатимизда илк бор ўтказилган бемисл эмас, албатта, деди Республика теннис федерацияси Бош котиби ўринбосари Шукрулло Исмолов «Туркистон-пресс» мухбирига. Спортнинг энг нафис турларидан саналмиш теннис юртимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган. Профессионал ракетка ўсталари ўртасида 1993-94 йиллардан бошлаб «Президент кубоги» учун ўтказиб келинган халқаро мусобақанинг йил сайини давлат ва мукофот жамғармаси ортиб борди. Жаҳоннинг сара теннисчилари иштирокида ўтган йили «Юнособод» спорт мажмуида ўтказилган халқаро мусобақа ATP (Халқаро профессионал теннис ассоциацияси) томонидан йилнинг энг юксак турнири сифатида эътироф этилди.

Мамлакатимизда кейинги пайтда теннис спортининг ривож учун диққатга сазовор ўзгаришлар нималардан иборат бўлди?

Спортнинг мазкур турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар самараси ўлароқ барча вилоят марказларида замонавий, жаҳон талабларига ўлиқ жавоб берувчи спорт иншоотлари, кортлар барпо этилди. Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Қарши, Бухоро, Термиз ва Гулистон шаҳарларида фойдаланишга топширилган теннис мажмуалари юз миғлаб моҳир ракетка шайдоларины ўз бағрига ораётган. Ана шу шаҳарларда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ўтказилган «Челленжер», «Фьючерс» каби халқаро турнирларда иштирок этиш учун номдор теннис ўсталари келишди. Бундан ташқари, пойтахтимизда 4 йилдан буён аёллар ўртасидаги анангага айланган «Челленжер» турнири ўтган йили биринчи марта WTA (Аёллар теннис ассоциацияси) таснифига киритилиш юрлик халқаро бешлашу билан бойиди.

Осиё теннис федерацияси Ижроия кўмитасининг бўлажак анжуманини ўтказишда Ўзбекистон қайси жихатларига кўра, даъвогар мамлакатлардан устуликка эришди?

Анъанавий «Президент кубоги» баҳслари ҳозирги халқаро миқдосдаги муваффақиятларимизга замин яратди. Ўтган етти йил мобайнида давлатимиз раҳбарияти таваббиси билан халқаро мусобақаларнинг ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтиши Осиё, қолаверса, халқаро федерация мутасаддиларида мамлакатимизга нисба-

тилди. Осиё теннис федерацияси президенти ўтган йилнинг сентябрида юртимизда меҳмон бўлиб, «Юнособод»даги «Президент кубоги» учун бешлашуларни ва терма жамоамиз билан Чехия Республикаси вакиллари ўртасидаги Жаҳон лигасига чиқиш учун Дэвис кубоги баҳсларини кузатишди. У нуфузли мусобақаларнинг ташкилий томонини юксак баҳолади. Шунингдек, Бухоро теннис кортини бориб кўриб, айни ҳоғда ривожланган Япония ҳам бу каби замонавий иншоот барпо этиши мушкул, дея таъкидлади. Давлатимиз раҳбарияти томонидан мазкур спорт ривожига эътибор юқорилиги ҳамда бунинг учун барча шарт-шароитлар муҳайёлигини қониқши билан эътироф этиди. Қолаверса, меҳмонхоналар, транспортлар қўлайлиги ва шаҳарларимиз салобати ҳамда спортчи-

тан хайрихоҳлик ҳиссини ўйротди. 1999 йил июл ойида Голландияда Халқаро теннис федерацияси Конгресси бўлиб ўтганда. Анжуман сўнггида ушбу ташкилотнинг вице-президенти, Осиё теннис федерацияси президенти жаноб Иичи Каваейи (Япония) бошчилигида кўтамыш федерацияси йнғилиши ўтказилди. Унда 2000 йилдаги Ижроия кўмита анжуманининг ўтказиш жойи аниқлаб олинди. Малайзия, БАА, Ливан вакиллари қатори биз ҳам ўз тақлифимиз билан чиқдик. Кенгаш томонидан тақлифимиз қўллаб-қувватланди. Шунингдек, делегациямиздан теннис ривожини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Тошкент бўлими Ижроия кўмитаси аъзоси Рустам Шоабдурахмонов халқаро Ижроия кўмита аъзолигига қабул қилиниб, унинг зиммасига Марказий Осиё бўйича теннисни ривожлантириш масъулияти юк-

рилмиш халқаро майдонда ўз маҳоратлари билан муносиб ўринни банд этаётгани ҳам катта аҳамият касб этаётди.

Бизнинг маълумот: Осиё теннис федерацияси нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланиб, ҳозир 40 зийд мамлакат унга аъзодир.

Ўзбекистон 1994 йилда унинг сафидан жой олди. 1999 йил теннисчиларимиз учун улкан муваффақиятларга бой бўлди. Олег Огородов, французлик Марк Ротти билан жуфтлик баҳсларида гелиб чиқиб, биринчи марта юқори поғнага кўтаришди. Осиё кубоги баҳсларида Олег Огородов ва Вадим Куценко бош соғрин эгаси бўлишди. В.Куценко Туркия ва Ҳиндистонда халқаро турнирлар гелибига айланди. Мамлакатимизда 1999 йилнинг энг яхши спортчиси номини олган иқтидорли кўзимиз Ирота Тулагановнинг эришган кўрсаткичлари ҳам таҳсинга сазовор. У энг нуфузли турнир - Уимблдонда қизлар мусобақасида бош мукофотни қўлга киритди. Осиё чемпиони бўлиб, Япония ва Жапония Корея оқиқ чемпионати гелибиси ҳамда Америка оқиқ чемпионати финалисини сифатида тан олди. Ўсимир ва қизларимиз АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатига тўғриси ва ўн бешинчи ўринларни эгаллашди. Катма-кат икки марта Жаҳон лигасига ўтиш мусобақасида муваффақиятли иштирок этган терма жамоамиз дунёнинг энг кучли 24 жамоаси сафидан ўрин олди. Юртимизда теннисни ривожлантиришга берилган эътибор, гамиҳурлик исис қетмайти: АҚШда таҳсил олаётган Мурод Инютов, Фарруҳ Ўстонов, Санжар Шодиев каби иқтидорли ёшлар кашф этилмоқда.

«Туркистон-пресс»


ФУТБОЛ МЕҲМОНЛАР БЎШ КЕЛИШМАДИ

Футбол бўйича мамлакатимиз миллий чемпионатининг учинчи тур баҳслари бўлиб ўтди. Ўтган икки турда сафарда рақибларини мағлуб этган Қаршининг «Насаф» жамоаси олий лига дебютанти «Семурғ»ни қабул қилди. Қизгин ўтган учрашу мезбонлар галабаси билан яқунланди: 2-1. Яна бир пешқадам пойтахтнинг «Трактор» жамоаси ҳам ўз майдонида «Сўғдийна»дан устун келди. Меҳмонлар «Трактор»нинг тўртта голига жавобан рақиблар дарвозасини бир бор ишғол қила олдилар, холос. «Андижон» - «Дўстлик» бешлашувида жанговар 1-1 қайд этилган бўлса, етакчи футболчиларидан ажралган «Пахтакор» эса Термизда маҳаллий «Сурхон» жа-

моасидан 0-3 ҳисобида мағлуб бўлди. Қолган учрашулар қуйидагича яқунланди:

- «Турон» - «Самарқанд-Динамо» 1-2
- «Хоразм» - «Зарафшон» 0-1
- «Бухоро» - «Темирйўлчи» 2-0
- «Қизилкум» - «Навбахор» 0-2
- «Нефтчи» - «Кимёгар» 3-0
- «Металлург» - «Гулистон» 1-0

Учинчи турдан сўнг «Насаф» ва «Трактор» жамоалари 9 очко билан биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб турган бўлса, «Дўстлик» 7 очко билан учинчи ўринни банд қилиб турибди. Сўнгги ўринларда «Гулистон» ҳамда «Хоразм» жамоалари боришапти. Улар ҳисобида ҳозирча биттаям очко йўқ.



Яқинда Фарғонада бокс бўйича республика ўсмирлар мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақадар республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоқистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳри терма жамоалари иштирок этди. Шунингдек, мусобақадар Англиятинг Ливерпул клуби боксчилари ҳам қатнашдилар.

Мусобақанинг ўн бир хил вази тоифасидаги бешлашуларидар самарқандлик Манучар Садрриддинзода, Буюқ Британиялик Грек Лайн ва Пол Смит, бухоролик Дилшод Жўраев, андижонлик Хуридбек Мадаминов, Нодирбек Умаров, Хайб Сатторов, навоийлик Илдар Сергоғлазов, хоразмлик Шухрат Раўмаатов, Тошкент вилоятдан Исроил Матбоев ва қорақалпоқистонлик Алиби Жанашевлар голийлик шоҳрўсласига қўтарилиб, олтин медални қўлга киритдилар.

Голий ва соғриндорлар «Фахрий ёрлик» ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Суратда: бокс бўйича республика ўсмирлар мусобақасида 46 килограмм вази тоифасида 1-ўринни олган самарқандлик Манучар Садрриддинзода.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎзА) олғак сурат.

СПОРТ СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ригимиз халқаро майдонда ўз маҳоратлари билан муносиб ўринни банд этаётгани ҳам катта аҳамият касб этаётди.


Мана энди сўзимом ар-Роғиба. «...Ҳақиқатдан юз ўғирмай, зехнини кўрсата оладиган кўшини асл қизиқчидир: бинобарин, ақли доғнишлар даврасида уни эсга олсалар, қизиқчилик қилувчининг номига доғ тушмайди, зеро бу шахматнинг ўзгинаси бўлиб, кучли ўйинчининг қўлида у ҳаммаша янғидир. Унинг кўмағида урушга чап беришга ўрганадиларки, бу нарса душманнинг кўнгини жангдан соғитишда жуда фойдалидир.»

Шахмат уйнаётган кишига қасоскорнинг хатти-ҳаракатлари изланувчининг ғайрати, ирғувчининг дағидлиги зарур. Шартга кўра, шахмат билан нарднинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Шахмат ўйновчи хоҳлаган юришни қилиб бу билан нимага мўйиллигини билдиришга ҳақлидир. Нард ўйновчи эса шашқоллари қандай тушса, ўша йўлдан боришга мажбур. Бир кишидан «Фалончининг шахматдаги маҳорати қалай?» - деб сўрашди. Шунда у: «Чунонам яхши ўйнайдик» - деб жавоб берди. Ундан яна:

«Нард бобида-чи?» деб сўраган эканлар: «Шашқоллари бирам яхши тушадик» дебди. Биз салафларимизнинг шахмат ўйнаганликларини ёки шахматга ижозат берганликларини, ё бўлмаса ни яққол мисолу ман-зарага айлантириб кузатса ва сезса бўладиган нарсаларни бир ипга тизиб беради. Бу тушунишни равонлаштиради, илло яққол кўрсатиш йўли билан англаб олишга ва пайка-


аниқловчи асбоблар, ларнинг улар воситасида астойдил бери-нинг беридаги ма-сал ва маталларга ўхшатиб ясалган турли хикмату хикоялар киритиш демакдир. Икки ўйин - шахмат билан нард худди шу

ШАХМАТ ОДОБИ



Марокли машқлар

Иккала этюдда ҳам оқлар бошлаб галабага эришади.



Калькуттада армрестлинг бўйича биринчи Осиё чемпионати ўз ниҳоясига етди. Унда 12 мамлакатдан 250 га яқин спортчи қатнашди. Ўзбекистондан Умид Аҳмедов, Амир Уроков, Миршоҳид Шаропов, Игор Шихов ва Елена Шахронова иштирок этди.

Турнирда Ўзбекистондан Амир Уроқовнинг чиқиши катта шов-шувга сабаб бўлди. У 90 кг вазн тоифасида энг яхши натижа кўрсатди. Биринчи Осиё чемпионати олтин медалини қўлга киритган бу азамат Таиланд ва Гонконг армрестлинг федерацияларидан ҳам тақлифномалар олди.

Чемпионатнинг яна бир дебютанти - Мирзохид Шаропов

АМИР ЎРОКОВНИНГ «ОЛТИН»И

60 кг вази тоифасида чемпионликни қўлга киритди.

80 кг вази тоифасида соғломлар ва ногиронлар ўртасида бўлиб ўтган бешлашуида икки карра жаҳон чемпиони Умид Аҳмедов яна бир бор ўзининг маҳоратини намойиш этиб, икки олтин медалга сазовор бўлди. Елена Шахронова ва Игорь Шиховлар чемпионатнинг бронза медаллари соҳибони бўлди.

Бундай катта муваффақиятга бошқа бирон-бир жамоа эриша олгани йўқ, дейди мураббий Курбон Қонишев. - Шу йилнинг июни ойида Истамбулда ўтказилган Европа чемпионатида ва 26 сентябрдан 9 октябрга Американинг Виржиния штатида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида спортчиларимиз яна бир бор ўларнинг маҳоратларини кўрсатди, деб ишонаман.

УШУ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЧЕМПИОНЛАР

Тошкентда Шарқ яққа кураши - ушу бўйича биринчи Ўзбекистон чемпиони яқунланди. Унда 100 нафар бола ва 150 нафар катта ёшдаги спортчи чемпионлик номини қўлга киритиш учун мусобақалашди.

Ушу Шарқ яққа курашининг бошқа турларида нисбатан киши маънавийтини шакллантиришга ёрдам беради, деб ҳисоблайди республика Ушу федерациясининг бош котиби Наталья Глазова. Ушунинг бу қадр таъомийлашувиинг сабаби, машқларнинг хилма-хиллиги, бу спорт тури билан турли ёшдаги одамлар уйда, залда, тоза ҳавода шуғулланишининг мумкинлигидадир.

Чемпионатда болалар ва

катталарнинг бир гуруҳи гелиб, деб топилди. Уларнинг тайёргарлик даражаси юқори бўлганлиги, айрим вази тоифаларида бир хил балл тулланганлиги сабабли, иккитадан ва утадан спортчилар олтин медалларга сазовор бўлди.

Ушу бўйича чемпионатнинг дастлабки голийблари - Ворис Турдиев, Алексей Лотухов, Валерия Леташина, Хасан Норқуллов, Рустам Сиддиков, Гани Саидўжа, Нурзо Ҳайдаров, Алексей Юдин, Георгий Аветисян, Светлана Хасаншина, Нина Идичева, Леб Каюмов, Бекзод Аҳмедов, Ботир Боймуродов, Алексей Федосеев, Николай Имангулов, Олим Қурбонов ва Роза Москковскаялардир.

Бир кун «Соғлом авлод учун» ордени соғриндори, Бекобод шаҳар каратэ федерациясининг президенти Абдумўмин Абдумавлоновни шахар автобус-такси ҳиссадорлик жамиятининг раиси Абдугани Мухиддинов йўқлаб қолди:

— Биз бу ерда мас-лаҳатлашиб олдик, деди у, - ҳозирча маъмурият биносидан жой ажратиб берамиз, ба-хоқи-қудрат маблағ билан таъминлаб тура-миш. Мусобақаларда қатнашадиганлар учун автобус ҳам ажратамиз. Сиз фақат фарзандларимиз қалбида спортга муҳаббат уйғотсангиз, бас... Бугунги кунда мазкур корхона қошидаги «Парвиз» клубида қўллаб-ёшлар шарқона спорт сирларини ўрган-

«ПАРВИЗ» — ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

Осиё чемпионати мусобақаларида қатнашиб, битта олтин, битта кумуш ва битта бронза медал соҳибони бўлиб қайтди. Унинг синглисини Эльвира эса ушбу чемпионатда иккинчи ўрин билан қифойланди.

Шунингдек, Абдумўминнинг катта ўғли Аъзамбек ўз вази бўйича республика чемпионилигини қўлга киритди, Туркия, Венгрия, Австрия ва Германия каби хорж мамлакатларида бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда беш

маротаба жаҳон чемпиони деган сарофли номга сазовор бўлди. Иккинчи ўғли - Фаррухбекнинг ютуқлари ҳам хавас қилди. Кенжаси - Парвизбек эндигина 8 ёшда. Бироқ, акаларидан орта қолишни ўзига эп кўрмай, беш марта Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга улгурди.

Ҳа, «Парвиз»нинг қисқа вақт ичида қўлга киритган ютуқлари анчагина. Лекин, биз бу ўринда клуб ютуқларини бирма-бир санаб ўтиш ниятимиз йўқ. Балки,

клубни, қолаверса, туман каратэ федерациясини кўпдан буён киймаб келадиган муаммо тўғрисида сўз юритмоқчимиз. Мазлумки, ҳар бир мусобақадар қатнашши кундалиқ харажатлари (ётоқхона, овқатланиш ва ҳоказо) анча-мунча маб-лағ талаб қилади. Буларнинг ҳаммаси ҳозирча ёш каратэчиларнинг ота-оналари зиммасига туш-моқда. Хорижий мамла-катларда бўладиган бешлашулар учун ҳар бир спортчига катта миқдордаги тўлов ҳам ота-она-

наҳотки топибмаса? Ўзбекистон металлургия комбинати, «Бекободце-мент» корхонаси, «Сар-бент» ҳиссадорлик жамия-ти каби республикага донги кетган корхона-лар, ўнлаб фирмалар мавжуд туманда келаж-гимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом, кучли бўлиб вояга етиш-лари учун қайғурдиган-лар топишидан умид-воримиз. Ахир, мана шун-дай чемпионларни ет-казиб берувчи мактаблар қанча кўпайса, Ўзбеки-стонимиз доғруғи шунча оламга дoston бўлмай-дими?

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар
бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Махсими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбўт кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютеридар терилди ва сақланган. Оффсет усулида бошилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотулида эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмақонаси, Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

Буюртма Г— 204.

1 2 3 4 5 6